

## **ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР**

**Салоҳитдинов Шерзод Фарҳодович**  
*Жиззах политехника институти тадқиқотчиси*

**Аннотация:** Мақолада олий таълим хизматларининг ривожланиши ва баҳолаш тизими жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, меҳнат бозорида битирувчиларнинг рақобатбардошлигига таъсир кўрсатувчи омиллар ва олий таълим хизматлари сифати даражаси бўйича амалий тавсия ва таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** таълим хизматлари, таълим жараёни, меҳнат бозори, битирувчиларнинг рақобаибардошлиги, олий таълим хизматлари сифати.

Мамлакатимизда таълим хизматларининг ривожланиб бораётганлиги ва ижтимоий-иқтисодий сиёсатда унинг етакчи ўринлардан бирини эгаллаганлиги ҳамда бошқа тармоқлар, соҳалар билан ўзаро мутаносиблиги таълим хизматлари фаолиятининг мураккаблашуви бу борадаги муаммоли вазифаларни ҳал қилиш борасида турлича ёндашувларни юзага келтирмоқда. Ҳозирги таълим тизимини айниқса, олий таълимни танқидий таҳлил қилиш асосида замонавий янги таълим тизимининг кадрлар талаб ва эҳтиёжлари асосида ташкил қилиш турлича ғоялар, қарашлар олдинга сурилмоқда. Зеро республикамизнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун зарур, “жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош ва юқори малакали мутахассисларни етакчи хорижий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистонда тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали кадрлар билан таъминлаш аниқ мақсадлари белгилаб берилган”.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг маълумотига кўра, дунё бўйича иш билан банд бўлган 430 миллионга яқин ёшларнинг 55 миллионга яқини (13 фоизи) кам иш хақи тўланадиган (кунига 1.9 АҚШ долларидан кам) иш ўринларида ишламоқда. Бундай ҳолат эса эса замонавий меҳнат бозори талаб қиласидиган ҳар томонлама рақобадбардош кадрлар тайёрлаш масаласини алоҳида кун тартибига олиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозорига олий таълим муассасалари томонидан битирувчиларни тайёрлашда асосий эътибор олий таълим тизимини модернизация қилиш, уни янги босқичга кўтаришда креатив

фикрлайдиган рақобатбардош юқори малакали кадрларни тайёрлашдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидланганидек<sup>34</sup>, “Кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқилади. Ушбу тизим 9 мингга яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беради. Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт.

Олий таълим соҳасида битиувчилар рақобатбардошлик даражасини ошириш таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги ўзаро асосий ижтимоий-иқтисодий омил эканлиги билан изоҳланади. Бу борада илмий тадқиқот олиб борган олимлардан У.В.Максимовнинг фикрича<sup>35</sup> “битиувчининг рақобатбардошлиги - бу асосий компетенциялар мажмуини, муҳим, қимматли йўналишларини намоён этиб, шахсга жамиятда муваффақиятли фаолият кўрсатишига имконият яратиб берадиган, шахснинг умумий, ажралмас сифатлари”.

Шу билан бир қаторда, олий таълим муассасалари томонидан битиувчиларни тайёрлашни тартибга солишда бошқарув тизимида эътиборга олиниши лозим бўлган қуйидаги уч асосий трендни қайд этиш мумкин:

1. Иқтисодий ўсишнинг бош омили бўлган инсон капиталини ривожлантиришда олий таълим муассасалари аҳамиятининг ошиб бориши.
2. Тўхтовсиз ва бир умрлик таълимга бўлган эҳтиёжнинг қўпайиши.
3. Иқтидорли ёшлар учун рақобат курашининг кескинлашуви. Шу ўринда қайд этиш лозимки, яқин истиқболда таълим муассасалари, корпорациялар ва ҳатто мамлакатлар миқёсида ҳам ёш иқтидор эгалари учун рақобатлашиш устуворлик касб этади.

Шунингдек, олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу борада ОТМларни битирган мутахассисларнинг салмоғини қўриб ўтиш лозим (1-жадвал).

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент, “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь. Манба: www.press-servise.uz.

<sup>2</sup>Максимова Е.В. Развитие конкурентоспособности студента в образовательном процессе университета: автореф.дис. ...канд.пед.наук. Оренбург, 2005. 14-16 с.

**1-jadval**

**Ўзбекистон Республиқасида олий та’лим мұассасаларини битирған мұтахassislar sonining ozgarishi, (ming kishi)<sup>36</sup>**

Hududlar	o‘quv yillari						2016-2022 y.y. o‘sish, %
	2016/ 2017	2017/ 2018	2018/ 2019	2019/ 2020	2020/ 2021	2021/ 2022	
Qoraqalpog‘iston Respublikasi	3,9	4,3	4,5	4,3	5,5	6,5	1,7
viloyatlar:							
Andijon	4,0	4,2	4,8	4,3	4,6	6,4	1,6
Buxoro	3,4	3,4	3,5	3,8	4,8	6,2	1,8
Jizzax	<b>2,3</b>	<b>2,7</b>	<b>2,9</b>	<b>2,9</b>	<b>3,9</b>	<b>3,6</b>	<b>1,6</b>
Qashqadaryo	3,1	3,6	3,8	3,9	5,2	5,9	1,9
Navoiy	2,1	2,2	2,3	2,4	3,1	3,9	1,9
Namangan	2,7	2,9	3,0	3,2	4,1	5,5	2,0
Samarqand	6,0	6,4	6,9	6,8	7,2	8,5	1,4
Sirdaryo	1,0	1,0	1,0	1,0	1,6	2,2	2,2
Surxondaryo	1,7	1,9	2,0	2,1	3,3	3,6	2,1
Toshkent	1,8	1,7	2,7	2,8	4,1	3,7	2,1
Farg‘ona	4,6	4,8	4,6	4,8	5,8	9,3	2,0
Xorazm	2,0	2,2	2,2	2,4	3,2	4,2	2,1
Toshkent sh.	25,5	26,1	26,1	26,1	27,5	34,4	1,3
<b>Respublika bo‘yicha</b>	<b>64,1</b>	<b>67,4</b>	<b>70,3</b>	<b>70,8</b>	<b>83,9</b>	<b>103,9</b>	<b>1,6</b>

1-жадвалдан кўриниб турибдики, мамлакатимизда кейинги бир неча йилларда ОТМни bitirayotgan mutaxassislar soni muntazam o‘sish бориб, 2017 yilda bitiruvchilar soni 64,1 ming kishini, 2021 yilda esa 103,9 ming nafarni tashkil qilgan бўлса тадқиқот обьекти бўлган Жиззах вилоятида эса бу қўрсаткич таҳлил қилинган йилларда 1,6 % га ошиб борганигини кўриш мумкин.

Олиб борилган тадқиқотларга асосланиб, битирувчилик рақобатбардошлигининг ўзига хос хусусиятлари учта йирик гурухга ажратилади:

Биринчи гурух - касбий малакаси даражаси улар учун рақатбардошлик базавий асоси ҳисобланади, таълим дастури даражаси ва мураккаблигини, тайёргарлик сифати, билимларни ўзлаштириш ва бошқа жиҳатларни акс эттиради. (Бунда дипломлар, сертификатлар, ўқишининг таълим шакли, мутахassislik бўйича дипломлар асосий натижалардир).

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Иккинчи гурух- Рақобатбардош битирудчининг салоҳияти, касбий хусусиятларига хос бўлган амбицияларининг намоён бўлиши, ўз имкониятлари даражасининг баҳоси ва фазилатлари.

Учинчи гурух – Ҳар бир битирудчининг меҳнат бозорида эгаллаган ўрни ва маркетинг салоҳияти, ўзи томонидан карьера режалари, келажакда ишга жойлашиш жараёнидаги қатъияти ўзига хос бўлган нуқтаи назари, ёндашуви.

Ж.Х.Бобаназарованинг фикрича<sup>37</sup> “Хозирги кунда республикамиз ҳудудларида турли йўналишлардаги ўкув юртларида йилдан йилга қабул квоталарининг оширилиши олий маълумотга эга битиувчиларнинг ишга жойлашиш муаммосини кучайтирмоқда. Бундай ҳолат яқин йиллар ичida ҳам сақланиб қолиш эҳтимоли катта. Қишлоқ туманларида инвестицион жозибадорликнинг паст даражаси, бунинг оқибатида юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланмаганлиги ҳам замонавий мутахассисликка эга олий таълим муассасалари битиувчи-ларининг касбий ҳаракатчанлигини пасайтиromoқда ва бу асосан хорижга бориб ишлашга мажбур қилмоқда”.

Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар асосида олий таълим хизматлари сифатини баҳолашнинг услубий ёндошувлар ва рақобатбардошликтини баҳолаш услублари, мазкур соҳада умумлаштирилган комплекс баҳолашнинг заруриятини келтириб чиқарди. Бу борада олий таълим хизматлари сифатини комплекс баҳолашнинг кенг қамровли методологиясини ишлаб чиқишини зарур деб топдик ва олий таълим хизматлари сифати даражаси 1-расмдаги кўрсатилганидек, ўн босқичда баҳолаш услубиёти таклиф қилинди.

<b>Олий таълим хизматлари сифатини баҳолаш мақсадларини шакллантириш</b>	<b>Олий таълим сифатини оширишга таъсир кўрсатувчи омиллар</b>
	1. Таълим олувчиларнинг рақобатбардошлигини шакллантириш механизми мазмунини белгилаш
	2. Таълим ва тарбия рақобатбардошлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаштириш
	3. Битирудчининг рақобатбардошлиги ОТМда ўқиш жараёнида шаклланиши асосида Битиувчи талабаларни тайёрлаш сифати таҳлили
	4. Иш топиш, иш ўрнини эгаллаш ва рақобатбардош имкониятлари эгаллаш учун меҳнат бозоридаги вазият таҳлил қилиш

<sup>37</sup> Ж.Х. Бобаназарова, Ш.Р. Холмўминов, К.З. Хомитов, Н.У. Арабов, Х.Х. Абдурамонов, Н.Р.Сайдов. Қишлоқ ахолисини иш билан таъминлашнинг стратегик йўналишлари (монография). -Тошкент: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020, 165 бет.

	<p>5. Мехнат фаолиятининг эҳтимолий варианларини аниқлаш ва битирувчилар бандлигига кўмаклашиш таҳлили</p> <p>6. Рақобатбардошликтини комплекс баҳолаш учун кўрсаткичлар тизимини моделлаштириш</p> <p>7. Битирувчилар рақобатбардошлиги даражасига мувофиқ тавсиялар ишлаб чиқиш</p> <p>8. Олий таълим хизматлари сифатини баҳолаш рақобатбардошлигини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш</p> <p>9. Илм-фанининг сифатли ва микдорий ривожланишини ўрганиш</p> <p>10. Илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш суръатларини оширишга эришиш.</p>
--	--

### **1-расм. Олий таълим хизматлари сифати даражасини комплекс баҳолашнинг услубияти<sup>38</sup>**

Мазкур методикани ишлаб чиқища Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари асос сифатида олинди. Таълим хизматлари сифат даражасини бир томондан, профессор-ўқитувчининг дарс жараёнига қандай тайёргарлик кўргани ва шу асосда уни ташкил этиши билан ўлчанади. Иккинчи томондан, профессор-ўқитувчиларнинг мужассамлашган илмий-педагогик салоҳиятида ўз ифодасини топади.

Бизнинг фикримизча, олий таълим хизматлари сифати даражасини комплекс баҳолашнинг услубиятини таълим олувчиларнинг рақобатбардошлигини шакллантириш механизми, таълим ва тарбия рақобатбардошлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, талабаларни тайёрлаш сифати таҳлили, меҳнат бозоридаги вазият, рақобатбардошликтини комплекс баҳолаш учун кўрсаткичлар тизимини моделлаштириш ҳамда битирувчилар рақобатбардошлиги даражасига мувофиқ тавсиялар ишлаб чиқиш ва олий таълим хизматлари сифатини баҳолаш рақобатбардошлигини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш сингари асосий чора-тадбирларни ўз ичига олади. Бундан ташқари мазкур методика ходимнинг бутун ҳаёти мобайнида узлуксиз касбий таълим тизимини эгаллаб боришини ривожлантиришга асосланганлиги билан фарқланади.

<sup>38</sup>Муаллиф томонидан гурухланган

## ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрь ПФ-5545-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиши бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ти Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент, “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь. Манба: [www.press-servise.uz](http://www.press-servise.uz).
3. Максимова Е.В. Развитие конкурентоспособности студента в образовательном процессе университета: автореф.дис. ...канд.пед.наук. Оренбург, 2005. 14-16 с.
4. Х.У.Умарова Олий таълим муассасаларида замонавий бошқарув тизимиning ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштиришнинг концептуал асослари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, 2021 yil 5/2021 (№ 00055), 149 <http://iqtisodiyot.tsue.uz>
5. Ж.Х. Бобаназарова, Ш.Р. Холмўминов, К.З. Хомитов, Н.У. Арабов, Х.Х. Абдураманов, Н.Р.Сайдов. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг стратегик йўналишлари (монография). -Тошкент: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020, 165 бет.
6. Салохитдинов, Ш. (2023). ОЛИЙ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИНГ ИЖТИМОЙИ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР.
7. Шерзод, С. Ф. (2022). ПУЛ КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ ИНФЛЯЦИЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(2), 81-87.
8. Салохитдинов, Ш. (2023). МАМЛАКАТИМИЗДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛANIШИ ВА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Центральноазиатский журнал образования и инноваций*, 2(2), 93-
9. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ РИВОЖЛANIШИННИНГ НАЗАРИЙ ЁДАШУВЛАРИ  
Ш Салохитдинов - Iqtisodiyot va ta’lim, 2023
10. Бобаназарова, Ж. Х., & Салохитдинов, Ш. Ф. Ў. (2023). ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Science and innovation*, 2(Special Issue 5), 303-306.

11. Салохитдинов, Ш. (2023). ОЛИЙ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ БАХОЛАШ ТИЗИМИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР. *Research and implementation.*



**"Innovations in Science and Technologies"**